

ЖПКнинг 22-моддаси талабларига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширмагани сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Дастлабки тергов органлари томонидан Қ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 2009 йил 24 апрелдаги ҳукми билан Қ.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 98-моддасига қайта квалификация қилиниб, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 13 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, ҳукмдан «1-қисм» ибораси чиқарилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Қ. 2008 йил 15 сентябрь куни ўзи яшайдиган Хоразм вилояти, Хива тумани, «Арвик» маҳалласидаги 113-уйга келиб, хонадондаги электр ҳисоблагичнинг сими узилганлиги сабабли электр энергияси йўқлигини кўриб, электр энергиясини уламоқчи бўлиб турганида отаси О. ўзининг хонасидан, қўлига темир бўлагини олган ҳолда, ғазаб билан чиқиб, Қ.ни тортиб, креслодан пастга тушириб, онаси, турмуш ўртоғи ва унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилиб, қўлидаги темир бўлаги билан Қ.нинг бош энса соҳасига уриб, ҳақоратлашда давом этгани сабабли Қ. тўсатдан кучли рухий хаяжонланиш ҳолатига тушиб, ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятини йўқотиб, отаси О.нинг қўлидаги темир бўлагини тортиб олиб, унинг орқасидан хонага кириб, темир бўлаги билан отасининг бош чап яноқ соҳасига, кўкрак қафасига, қорин қисмига бир неча мартаба уриб қасддан ўлдирган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг, 3-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилганидан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, бунда судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослаб кўрсатилиши лозимлиги қайд қилинган. Бироқ, суд Қ.га оид жиноят ишини кўришда қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига риоя этмаган. Суд Қ.нинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» бандидан шу кодекснинг 98-моддасига қайта квалификация қилишда иш бўйича ўтказилган стационар судга оид психолого-психиатрик комплекс экспертизанинг хулосаларини асос қилиб олган. Бироқ, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 187-моддаси талабларидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаларининг илмий асосланганлигини иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан баҳолаш чораларини кўрмаган.

Суд Қ.нинг содир этган жиноятидан сўнг қон бўлган нарсаларни нега яширганлигини, ўзи хонасига кириб, ётиб ухлаган қаби ҳаракатларни ўзини бошқариш қобилиятини йўқотган ҳолатда қилган-қилмаганлигини текширмаган.

Бундан ташқари, суд шахс ижтимоий хавфли ҳаракатни физиологик аффеckt ҳолатида содир этганига баҳо беришда унинг маст ҳолатда бўлган-бўлмагани катта аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, ушбу ҳолатни ҳам хар томонлама ва синчковлик билан текшириб чиқмаган.

Қ. дастлабки тергов даврида ходиса содир бўлган куни олдин бир шиша пиво, тўйда эса 5-6 пиёла ароқ ичганини билдирган.

Жабрланувчи Ю. дастлабки тергов ва судда Қ. тўйда ароқ ичиб, маст бўлиб, даврага чиқиб рақсга тушгани ҳақида кўрсатув берган. Иш юзасидан

Ўтказилган кимёвий текширувлар натижасига кўра Қ.нинг қонидан этил, пропил, бутил спиртлари ҳамда наркотик туркумига кирувчи афъюн группаси топилмаган. Иш материалларидан кўринишича, Қ.нинг қони ҳодиса содир бўлганидан кейин икки кун ўтгач текширилган.

Бироқ суд шахснинг қонида мавжуд бўлган спирт ва бошқа афъюн тарқалиб кетган бўлиши мумкин-мумкин эмаслигини аниқлаб, ҳодиса содир бўлган куни тўйда бўлган шахсларни судда сўроқ қилиш йўли билан Қ. шу куни тўйда ароқ ичган-ичмаганлиги ҳолатини текширмаган.

Ушбу ҳолатларга апелляция инстанцияси суди ҳам эътибор бермаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 2 июлдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилди.

Иш янгидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судида кўрилиб Қ. ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди билан айбли деб топилиб, 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Назорат иши ЖСХ-117-09